# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 4 декабрь, № 234 (6417) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.




## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

*2015 йил 3 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси очилди. Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.*

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси Н. Йўлдошев олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 23-бандига мувофиқ, парламент юқори палатасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги масалани кўриб чиқишдан бошладилар.

Мажлис иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг қабул қилиниши инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият деб ҳисобланадиган давлатимиз инсонпарварлигининг яна бир ёрқин ифодаси, олиб борилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотлар мазмун-моҳиятининг кўриниши эканлигини қайд этдилар. Амнистия ҳужжатининг айрим тоифадаги шахсларга нисбатан қўлланилиши катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга эга.

Ушбу масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Қарорда аёлларни, вояга етмаганларни, 60 ёшдан ошган эркакларни, чет давлатларнинг фуқароларини, шунингдек, фуқароларнинг бир қатор бошқа тоифаларини жазодан озод этиш назарда тутилди. Шунингдек, амнистия тўғрисидаги Қарорнинг амал қилиши татбиқ этилмайдиган шахслар тоифалари ҳам белгилаб берилди.

Сенат Қарорини қўллаш тартиби белгилаб олинди. Мазкур тартибда амнистия ҳужжати бўйича жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод этилиши лозим бўлган шахсларга нисбатан ишларни ва материалларни судда кўриб чиқиш тартиб-таомили белгилаб қўйилмоқда. Бунда амнистия тўғрисидаги Қарорнинг қўлланилиши, шунингдек, уни ижро этиш тартиб-таомиллари очиқ-ошкоралигининг таъминланиши устидан жамоат назоратини амалга оширишда сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг минтақавий вакиллари фаол иштирок этиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, жазодан озод этилган шахсларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш ва ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор тадбирлар ҳам назарда тутилган.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетларини ҳамда 2016 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини кўриб чиқдилар.

(Давоми 2-бетда).

## ЗАМОНАВИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда

*Истиқлол шарофати билан мамлакатимиз обод бўлиб, халқимиз турмуш фаровонлиги тобора юксалиб бормоқда. Шундай осойишта ва дориламон кунлар оғушида умргузаронлик қилаётган элга эса яхши кунлар, байрамлар, тўю томошалар жуда ярашади.*

*Мана, ҳозир ҳам қўшалоқ айём — барқарор тараққиётимизнинг асосий пойдевори — Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллиги ҳамда 2016 йилни муносиб кутиб олиш учун юртимизда қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.*





### МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ — АМАЛДА

Мазкур тантаналар, шубҳасиз, ранг-баранг ширинликлардан ўзгача файз олган байрам дастурхонисиз ўтмайди. Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган ва хорижникидан асло қолишмайдиган сифатли қандолат маҳсулотлари гўзал турмушимизни ифодаловчи баракали неъматлардан биридир, аслида.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида мамлакатимизда тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар, давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармон ҳамда қарорлари, давлат дастурлари асосида яратиб берилаётган кенг шарт-шароитлар самараси ўлароқ, озиқ-овқат саноати, жумладан, унинг муҳим йўналиши — қандолатчилик жадал ривожланаяпти. Соҳада фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш субъектлари учун кўплаб имтиёзлар ва преференциялар берилаётгани, чет эллик сармоядорларга жозибадор инвестиция муҳити мавжудлиги кўзланган марраларга эришишда муҳим омил бўлаётир.

(Давоми 3-бетда).

## Аҳоли фаровонлиги, Ватан равнақи — пировард мақсад

*Кеча Тошкентда Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади. Унда юқори палата аъзолари мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётининг барча соҳасини изчил ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш, аҳоли кенг қатлами ҳуқуқ ҳамда эркинликларини муҳофаза этиш, манфаатларини таъминлаш, турмуш даражасини янада юксалтиришга қаратилган кўплаб долзарб масалаларни муҳокама қилишмоқда.*

*Мухбиримиз Сенат ялпи мажлиси кун тартибига киритилган масалалар юзасидан сенаторлар билан суҳбатлашиб, уларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақида қизиқди.*

### ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

**Ботир МАТМУРОТОВ, Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси:**

— Давлатимиз раҳбарининг тақдимномасига мувофиқ, Сенат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги қарорни қабул қилди. Амнистия акти мамлакатимизда рўёбга чиқарилаётган бағрикенглик ва миллий қадриятларга ҳурмат сиёсатининг яққол ифодасидир. Зотан, билиб-билмасдан жиноят йўлига кириб қолганларни кечириш, уларга инсонпарварлик актини қўллаш бундай шахснинг ҳар қандай қилмиш учун жазонинг муқаррарлигини англаб етишида жуда муҳимдир. Умуман, юртимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари моҳиятига ҳам айнан мазкур ғоя сингдирилган. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, амнистия акти қадимдан амал қилиб келинаётган қадриятларни, қолаверса, кишилар эъзозлайдиган бағрикенглик, мурувват ҳамда инсонпарварлик каби олий фазилатларнинг нозик қирраларини ўзида мужассамлаштирган.

**Гулнора ТЎРАЕВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Мустақилликнинг илк йиллариданоқ аёлларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш масалаларига давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Аёл, энг аввало, меҳрибон она, оила қўрғонининг таянчидир. Бинобарин, оилада, фарзанд тарбиясида аёлнинг ўрни катта. Билиб-билмай қилган баъзи хатолари, ҳаётда адашганликлари туфайли жиноят содир этиб, жазо муддатини ўтаётган хотин-қизларимиз ортида ҳам оиласи, фарзандлари ва яқинларининг тақдири турибди. Шу сабабли Сенатнинг амнистия тўғрисидаги қарори хотин-қизларимизга жамият эътиборини қаратишда, адашганларга эса яна бир имконият берилишида айни муддао бўлди. Биз, албатта, жойларда амнистия актининг аҳамияти, давлатимизнинг ғамхўрлиги ҳақида кенг тушунтириш ишларини олиб борамиз.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

● Миллий матбуот марказида “Республика олий таълим муассасаларида интеллектуал мулк соҳасида таълим бериш ва уни такомиллаштириш омиллари” мавзуида анжуман бўлиб ўтди. Унда интеллектуал мулк соҳасида янги техник ечимларни яратиш ва уларни муҳофаза қилиш, лицензия шартномаларини тузиш, бозорга рақобатдош маҳсулотлар чиқариш ҳамда инновацион лойиҳалар сонини ошириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

**● Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 3 декабрь — Халқаро ногиронлар кунига бағишлаб ўтказилган тадбирда депутатлар, турли вазирлик ҳамда идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари иштирок этди. Якунда алоҳида эҳтиёжманд кишиларга ташкилотчилар ва ҳомийларнинг совғалари топширилди.**

● Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида “Жамиятни ривожлантиришда хотин-қизларнинг ўрни” мавзуида илмий-амалий анжуман ташкил этилди. Тадбирда жамиятимизда аёлларнинг тутган ўрни, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида таҳсил олаётган қизларни баркамол этиб тарбиялашда хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилотлари ролини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**● Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан “Меҳр-шафқат ва саломатлик” жамоат фонди ҳудудий бўлими билан ҳамкорликда хайрия кечаси уюштирилди. Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан ўтказилган тадбирда жисмоний имконияти чекланган бир гуруҳ фахрийларга дори-дармон воситалари тўпламлари, шунингдек, ногиронлар аравачалари тортиқ этилди.**

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЙИГИРМА УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидаги маҳкумлар:

а) аёллар;

б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;

в) 60 ёшдан ошган эркаклар;

г) чет давлатлар фуқаролари;

д) I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек ушбу Қарор кучга киргунга қадар бир йил ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликларга чалинган, деб топилган шахслар жазодан озод қилинсин.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни қасддан содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йил-у олти ойдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар жазодан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ушбу Қарор эълон қилинган кунда ўталмай қолган жазо муддати уч йил-у олти ойдан кам бўлган шахслар манзил-колонияларга ўтказилсин.

5. Ушбу Қарорнинг 1-бандида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тугатилсин.

6. Ушбу Қарорнинг:

а) амал қилиши — узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; тақиқланган ташкилотлар фаолиятида иштирок этган, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган; афв этиш ёки амнистия тартибида илгари жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга; шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога алмаштирилган шахсларга;

б) 1-банди амал қилиши — Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 104-моддаси учинчи қисми «д» бандида кўрсатилган, шунингдек ўта оғир жиноятларни содир этган шахсларга;

в) 3-банди амал қилиши — Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддасида ва 104-моддаси учинчи қисмининг «д» бандида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахсларга;

г) 1–3, 5-бандлари амал қилиши — Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167, 168-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этиб, етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга нисбатан татбиқ этилмасин.

7. Ушбу Қарорга мувофиқ асосий жазодан озод қилинган маҳкумлар қўшимча жазолардан озод қилинмайди.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қўмита ва комиссиялари ушбу Қарорнинг қўлланилиши устидан жамоатчилик назорати ҳамда Қарорнинг қўлланиш тартиб-таомилларининг очиқ-ошкора амалга оширилишида сенаторлар ва депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминласин.

9. Ушбу Қарор амалга оширилиши учун масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

10. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой ичида ижро этилиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 3 декабрь

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сенаторлар таъкидлаганидек, бош молиявий ҳужжат — Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда 2016 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни ва барқарорликни таъминлаш мақсадида иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва модернизация қилиш жараёнларини изчил давом эттириш, асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар мувозанатини сақлаш, хусусий мулкчилик аҳамиятини тубдан ошириш, хусусий тадбиркорликнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган устуворликлар, мақсадлар ҳамда вазифалар асосида ишлаб чиқилди.

Бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, шунингдек, келгуси йилнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ялпи ички маҳсулотни 7,8 фоиз оширишни назарда тутади.

Шунингдек, 2016 йилда иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичлари фаол инвестиция сиёсатини юритиш ҳисобига ҳам таъминланади. Жумладан, 2016 йилда барча капитал қўйилмалар ҳажмини 9,6 фоиз оширишни таъминлаш назарда тутилмоқда, шунингдек, иқтисодиётнинг устувор тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан жами 4,5 триллион сўм ёки ялпи ички маҳсулотнинг 2,1 фоизи ажратилиши мўлжалланмоқда.

2016 йилга мўлжалланган солиқ-бюджет сиёсати ишлаб чиқаришни янада модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, шунингдек, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини, агросаноат мажмуасини жадал ривожлантириш, экспорт ўсишини таъминлаш, мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширишга қаратилган.

Солиқ сиёсатидаги асосий устуворликлар хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолига тушадиган солиқ юкини янада камайтириш, иқтисодиётнинг барқарор ўсишини рағбатлантирувчи солиқ солиш тизимини соддалаштириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш орқали бюджет тизими бюджетларининг мутаносиблигини таъминлашдан иборат бўлиб қолмоқда.

Аҳоли даромадлари зиммасига тушадиган солиқ юкини камайтириш мақсадида солиқ солишнинг иккинчи поғонаси бўйича жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ставкасини 8,5 фоиздан 7,5 фоизгача пасайтириш назарда тутилмоқда, бу эса аҳоли даромадларини 235 миллиард сўмга кўпайтириш имконини беради.

2016 йилда хизматлар соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 6 фоиздан 5 фоизга пасайтирилиши 2012 — 2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурида назарда тутилганидек, мазкур соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 54,5 фоиздан 55,5 фоизга кўпайтириш имконини беради.

Мамлакатимизнинг бош молиявий ҳужжатини муҳокама этиш чоғида сенаторлар Давлат бюджети ижтимоий соҳага йўналтирилганлиги сақланиб қолинаётганлигини, чунончи, Давлат бюджетининг ижтимоий харажатлари 59,2 фоизни ташкил қилаётганлигини қайд этдилар. Давлат бюджети параметрларида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга, олий ўқув юртларини мукаммал таъмирлашни ва жиҳозлашни молиялаштиришга, умумтаълим мактаблари ва мактабгача тарбия муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланадиган харажатларни ошириш назарда тутилмоқда.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз ва унинг оқибатлари давом этаётган, жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларида инвестициявий фаоллик сустлашаётган ҳамда ўсиш суръатлари пасаяётган бир шароитда 2016 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида аҳоли реал даромадлари ва жамғармаларининг, турмуш даражасининг оширилиши назарда тутилмоқда. Бунда ойлик иш ҳақи, стипендиялар, ижтимоий нафақалар ва пенсиялар миқдорларини инфляция суръатларидан ортиқ миқдорларда ошириш, муҳтож оилаларнинг манзилли ижтимоий қўллаб-қувватланишини кучайтириш, шунингдек, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш назарда тутилмоқда.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетларини ҳамда 2016 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини тасдиқладилар.

Шундан сўнг «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди. Ялпи мажлис иштирокчиларининг фикрича, ушбу Қонуннинг амалга оширилиши 2016 йил учун қабул қилинган солиқ сиёсати асосий йўналишларининг ижро этилиши учун норматив-ҳуқуқий асос яратади ҳамда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг самарали амалга оширилишини таъминлайди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлисда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган 2016 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ҳам кўриб чиқилди ҳамда маъқулланди. Дастур параметрлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳукумат мажлисидаги 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига ва 2015 йилдаги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузасида белгилаб берилган вазифалар асосида ишлаб чиқилганлиги қайд этилди.

Ушбу дастур мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга ҳамда ҳудудларнинг ва иқтисодиёт тармоқларининг салоҳиятидан фойдаланиш, демографик омилларни ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни инобатга олган ҳолда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳар томонлама ҳамда ўзаро боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган.

Дастурда туманлар ва шаҳарлар кесимида ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларининг сонини ҳисобга олган ҳолда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш параметрлари белгилаб олинди, кичик саноат зоналарини ташкил этиш, иш ўринларини банд қилиб қўйиш орқали иш ўринларини яратиш йўналишлари кенгайтирилди ҳамда алоҳида ажратиб кўрсатилди. Аҳолини, шу жумладан, хотин-қизларни, ногиронларни ҳамда ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳолининг бошқа тоифаларини ва энг аввало, ёшларни ишга жойлаштиришнинг, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилишнинг янги усулларидан фойдаланиш назарда тутилмоқда.

Дастурда оилавий тадбиркорликни, миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиш, тадбиркорларнинг кредит ва моддий хом ашё ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, коллеж битирувчиларини ишга қабул қилувчи кичик корхоналарга кенг имтиёзлар бериш ҳисобига иш ўринларини ташкил этишда кичик бизнеснинг ролини янада оширишга доир чора-тадбирлар алоҳида ўрин эгаллайди.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Корхоналар (иш берувчи), таълим муассасаларининг битирувчилари ва ота-оналар ўртасида тузилган уч томонлама шартномалар самарадорлигини ошириш ва бундай шартномаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш, маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида ташкил этилган ишга жойлаштириш масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг самарадорлигини кучайтириш чоралари кўрилмоқда.

Дастурда иш ўринларини ташкил этиш, аҳолини ишга жойлаштириш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашларининг, барча даражадаги ҳокимликларнинг аниқ вазифалари белгилаб берилмоқда. Умуман олганда, дастурга мувофиқ, 2016 йилда 992,7 минг кишини ишга жойлаштириш назарда тутилган. Шундан 511,5 минг киши таълим муассасалари битирувчиларидир.

Сенаторлар «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини янада оширишга, аҳолига, жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларидан (АКТ) кенг фойдаланиш орқали давлат хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга қаратилганлиги таъкидланди.

Қонун «электрон ҳукумат» фаолиятини ташкил этишнинг давлат органлари фаолиятининг очиқ-ошкоралиги, даъво қилувчиларнинг электрон давлат хизматларидан тенг фойдаланиши, ахборот хавфсизлигини таъминлаш каби принципларини мустаҳкамлайди.

Қонун, шу жумладан, «бир дарча» принципи асосида электрон ҳужжат алмашиш имкониятларини кенгайтирмоқда, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро алоқанинг самарали механизмларини яратишни, электрон давлат харидлари тизимини ривожлантиришни назарда тутмоқда.

Қонунда электрон давлат хизматларини кўрсатувчи Вазирлар Маҳкамасининг, марказда ва жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ваколатлари, функциялари, шунингдек, фуқароларнинг, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ушбу соҳадаги ҳуқуқлари белгилаб берилмоқда. «Электрон ҳукумат» фаолиятининг тартиби, асосий инфратузилма хусусиятлари белгиланмоқда.

Мажлисда сўзга чиққан сенаторлар таъкидлаганидек, Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида яратилган норматив-ҳуқуқий база туфайли ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали, Ягона интерактив давлат хизматлари портали фаолият кўрсатмоқда. Мазкур портал 250 дан ортиқ хизмат турларини, шу жумладан, интернет орқали бизнесни рўйхатдан ўтказиш хизматларини назарда тутади.

Сенаторларнинг фикрича, «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг кучга кириши электрон давлат хизматларини кўрсатиш тизимини ривожлантириш соҳасидаги навбатдаги муҳим қадам бўлади, турли маъмурий тартиб-таомилларни янада енгиллаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ҳамда ошкоралигини таъминлаш, самарадорлигини ошириш учун ҳуқуқий асос яратади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Божхона кодексининг янги таҳрири божхона ишларининг ягона ва бир хиллаштирилган қонунчилик базасини янада ривожлантириш, божхона маъмурчилигининг барча босқичи ва даражаларида норма ҳамда ташкилий-ҳуқуқий механизмларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш, божхона томонидан тартибга солишнинг ошкоралигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилганлиги таъкидланди.

Божхона кодекси юкларни божхонада расмийлаштиришнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштирилган божхона режимлари ва тартиб-таомилларининг барча турини батафсил равишда, тўғридан-тўғри таъсир қилувчи нормалар асосида тартибга солади.

Кодексда рухсат этиш хусусиятига эга бўлган турли ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари, товарларни, шу жумладан, товарлар божхона ҳудудига келиб тушишидан аввал уларни декларациялаш ва расмийлаштиришда божхона тартиб-таомилларидан ўтказиш тартиби енгиллаштирилди, шунингдек, мазкур масалалар юзасидан божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан қарор қабул қилиш учун белгиланган муддатлар анча қисқартирилди.

Тижорат ва нотижорат мақсадларидаги транспорт воситаларини, шунингдек, товарларни божхона чегараси орқали қувур транспорти ва электр ўтказувчи линиялар орқали олиб ўтиш тартиби анча мақбуллаштирилди. Божхона назоратининг янги шакллари жорий этилди.

Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг божхона органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга асосланган замонавий шаклларини жорий этиш катта аҳамиятга эга бўлади.

Жумладан, давлат божхона назоратининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими фаолиятининг тартиби норматив жиҳатдан мустаҳкамланди. Мазкур тартиб божхона органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар сонини сезиларли даражада қисқартиришни назарда тутади. Бу ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари томонидан товарларни божхонада расмийлаштириш тартиб-таомилларини анча енгиллаштиради.

Мажлисда қайд этилганидек, янги таҳрирдаги Божхона кодексининг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти самарадорлигини оширишнинг, ички бозорни сифатсиз ва контрабанда маҳсулотларидан ҳимоя қилишнинг, хўжалик юритувчи субъектлар, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари, шу жумладан, кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарининг жаҳон бозорларига чиқиши учун қўшимча қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишнинг муҳим омилига айланади.

Шундан сўнг «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги, «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонунларга, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, бир қатор бошқа қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритилди.

Шуниng билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўртинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни якунланди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.**

# Аҳоли фаровонлиги, Ватан равнақи — пировард мақсад

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Шоҳида АРИПОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Бағрикенглик, кечиримлилик халқимизнинг маънавий фазилатларидан бири саналади. Истиқлол шарофати билан авлоддан-авлодга ўтиб келаётган эзгу амалларимиз, асрий анъана ҳамда қадриятларимиз янада кенг қулоч ёзди. Шу жумладан, хато қилганни кечириш, йиқилганни суяш, тўғри йўл кўрсатиш, инсон сифатида қаддини тиклаб, қайтадан жамиятнинг фаол аъзосига айланиши учун кўмаклашиш давлатимизнинг одилона сиёсатларидан биридир.

Сенатнинг амнистия тўғрисидаги Қарори ижросини тўлиқ таъминлашда суд-ҳуқуқ органлари билан бир қаторда вакиллик органлари, хусусан, депутат ва сенаторлар зиммасига катта масъулият юкланмоқда. Уларнинг ушбу жараёнда фаол иштирок этиши амнистияни қўллашнинг барча босқичида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини мустаҳкамлаш имконини беради. Шу боис фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда ижтимоий шериклик муносабатлари асосида мазкур амнистия акти ижросини таъминлашда фаол қатнашишимиз, жонбозлик кўрсатишимиз ва масъулият билан ёндашишимиз жуда муҳимдир.

**Турғун ИСКАНДАРОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Ялпи мажлис муҳокамасига киритилган Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари сенаторлар томонидан атрофлича кўриб чиқилди. Қайд этиш жоизки, жаҳонда давом этаётган молиявий инқироз шароитида юртимизда чуқур ўйланган бюджет ҳамда солиқ сиёсати юритилаётганлиги туфайли иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий барқарорлик таъминланмоқда. Келгуси йилда мамлакатимизни янада ислоҳ этиш ва модернизациялаш, иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш бўйича комплекс чора-тадбирлар татбиқ қилиниши назарда тутилган. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш, аҳоли фаровонлиги ҳамда турмуш даражасини янада юксалтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни тизимли равишда, босқичма-босқич рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан, давлатимизнинг асосий молиявий ҳужжатида иш ҳақи, стипендиялар, ижтимоий нафақалар ва пенсияларнинг ошиб боришини таъминлаш билан бирга, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини янада рағбатлантириш, уларнинг эркин фаолият юритишларини таъминлаш ва туризм ҳамда сервис соҳаларини иқтисодиётнинг истиқболли йўналишлари сифатида қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар қабул қилинаяпти. Бу келгусида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини бажариш, жамият ҳаётининг барча соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришда долзарб аҳамият касб этади.

**Сайёра АБДИКАРИМОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан кучли ижтимоий сиёсат олиб борилмоқда. Аҳоли турмуш сифати ҳамда даромадлари изчил оширилаяпти. Соғлиқни сақлаш, жумладан, она ва бола саломатлигини асраш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Таълим тизимидаги ислоҳотлар туфайли ёшларимиз хорижий тилларни чуқур ўрганиб, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган икки-уч касбни эгаллашмоқда. Бу соҳалардаги ютуқ ҳамда натижаларимизни халқаро ҳамжамият, нуфузли экспертлар тан олаяпти.

Сенаторлар томонидан кўриб чиқилган 2016 йилги Давлат бюджетида ҳам илгариги йилларга ўхшаб жами харажатларнинг асосий қисмини, яъни қарийб 60 фоизини ижтимоий соҳага йўналтириш анъанаси сақлаб қолинади. Дунё мамлакатларида молиявий таназзул оқибатида ижтимоий соҳа харажатлари кескин қисқартирилаётганини инобатга олсак, бу юртимизда инсон манфаатлари устунлигидан, давлатимиз ғамхўрлигидан далолатдир.

Келгуси йилда 28 та янги мактаб қуриш, 339 та умумтаълим мактаби ва 120 та академик лицей ҳамда тиббиёт муассасаларини мукаммал таъмирлаш кўзда тутилаяпти. Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлигининг яна бир тасдиғи сифатида таъкидлаш лозимки, келгуси йилда юртимизнинг ҳар бир туман ва шаҳарида камида биттадан, жами 280 та болалар боғчаси мукаммал таъмирланади ҳамда жиҳозланади. Бунинг учун қарийб 200 миллиард сўм ажратилади.

**Ёлқин КАБУЛНИЯЗОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Янги иш ўринларини яратиш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг янада фаровон яшашини таъминлашда долзарб аҳамиятга эга. Бинобарин, 2009 йилдан буён юртимизда ҳар йили иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурлари қабул қилиниб, унинг ижроси изчил таъминланмоқда. Хусусан, жорий йилнинг тўққиз ойида республика бўйича жами 748,7 мингта янги иш ўрни яратилгани ҳамда уларнинг 60,3 фоизи қишлоқ жойлари ҳиссасига тўғри келгани эътиборга моликдир.

Ялпи мажлис кун тартибидаги 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури сенаторлар томонидан муфассал кўриб чиқилди. Таъкидлаш жоизки, мазкур Дастурга мувофиқ, келаси йилда юртимизда қарийб бир миллионта иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда. Бунда ҳудудлар ҳамда иқтисодиёт тармоқларининг ишлаб чиқариш имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлаш, меҳнат ресурсларини тўлиқ ишга солиш механизмларини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

**Мамат ҲАЙДАРОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида меҳнат бозорида талаб ҳамда таклифнинг чуқурлаштирилган баҳоси амалга оширилгани, барча туман ва шаҳарлар учун касблар кесимида эҳтиёжлар аниқлаштирилгани ўқув муассасалари битирувчилари, аёллар, кам таъминланганлар, имконияти чекланганлар, вақтинча ишсизларни ишга жойлаштириш бўйича мавжуд имкониятлар ҳамда йўналишларни конкретлаштириш имконини беради.

Бундан ташқари, иш ўринларини ташкил этиш янги объектларни ишга тушириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, қайта жиҳозлаш ва мавжуд қувватлардан янада тўлиқроқ фойдаланиш, ишламаётган корхоналар фаолиятини, аввало, саноатда, хизматлар кўрсатиш ҳамда сервис соҳаларида тиклаш, инфратузилма, коммуникация ва уй-жой объектлари қурилиши кўламини ошириш ҳисобига, шунингдек, кичик бизнесни, шу жумладан, якка тартибдаги ҳамда оилавий тадбиркорликни, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳамда касаначилик меҳнатининг имкониятларини кенгайтириш орқали амалга ошириш мўлжалланяпти.

Қисқача айтганда, мазкур ҳужжатда белгиланган чора-тадбирларнинг рўёбга чиқарилиши аҳоли ҳаёт даражасини янада юксалтиришга, ижтимоий фаровонликни таъминлашга хизмат қилади.

**Қобил ХИДИРОВ ёзиб олди.**

АНЖУМАН

*Пойтахтимизда Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни ижросига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.*

# Хусусий банклар фаолияти кенгаймоқда

Маълумки, банк тизими молия бозорининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда тизимни ҳуқуқий жиҳатдан халқаро стандартларга мослаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, қонунчиликнинг такомиллаштирилиши банк тизими ва турли молия институтларининг эркин фаолият юритиши, таваккалчиликларни оқилона бошқариш ҳамда хизматлар кўламини кенгайтиришда айни муддаодир.

Таъкидлаш жоизки, бу борадаги ишларни ривожлантиришда мазкур Қонун муҳим аҳамиятга эга. Чунки унга кўра, ташкил этилаётган янги хусусий банклар ва молия институтлари устав капиталининг камида 50 фоизи муассислар — жисмоний шахслар ҳамда давлатга қарашли бўлмаган юридик шахсларга тегишли бўлиши лозим.

Хусусий банклар ва бошқа молия институтларига ўз фаолиятларини амалга оширишда вазирликлар ёки идоралар, маҳаллий ҳокимият ёхуд бошқарув органлари раҳбарларининг аралашишига йўл қўйилмайди.

Шунингдек, Қонунда уларнинг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш, махсус ваколатли органнинг қарорига асосан, режали тартибда кўпи билан беш йилда бир марта амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Ўтган йиллар давомида ушбу ҳужжат молия-банк соҳасига хусусий капитални жалб қилиш, банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақобатни кучайтириш ҳамда мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, юксак халқаро стандартлар талабига мос замонавий бозор инфратузилмасини ривожлантиришга хизмат қилаётгани амалда исботланди. Яъни бугунги кунда хусусий банклар бошқа банклар сингари ўз ишини универсал тарзда бажараяпти. Ҳатто уларнинг айримлари халқаро молия ташкилотларининг юртимиздаги лойиҳаларида иштирок этаётир.

Анжуманда, шунингдек, “Трастбанк” хусусий акциядорлик тижорат банки ва “Траст-Leasing” компаниясининг тақдимот маросимлари ўтказилди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# 2015 йил — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

*Нуронийлар — хонадонимизнинг файзи ва кўрки. Уларнинг умр йўли, панду насиҳатлари ҳамиша эзгуликка, яхшиликка ундайди. Шунинг учун ҳам улар ҳар жиҳатдан эъзоз ва эҳтиромга лойиқ. Чунончи, мамлакатимизда жорий йил “Кексаларни эъзозлаш йили” деб номлангани, шу асосда Давлат дастури қабул қилиниб, унда белгиланган вазифалар изчил амалга оширилаётгани бу борадаги ишлар кўламини янги босқичга олиб чиқди.*

# ЭЛУ ЮРТ АРДОҒИДА

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида яшовчи 101 ёшли Салима ая Ғаниева — ана шундай ғамхўрликдан баҳраманд бўлиб, умргузаронлик қилаётган юртдошларимиздан бири.

— Президентимизга минг раҳмат, — дейди онахон. — Мустақиллик байрами арафасида кўпчилик қатори мен ҳам Ватанимизнинг юксак мукофоти — “Шуҳрат” медали билан тақдирландим. Бундан бошим осмонга етди. Кексалик даврини ғурур ва сурур билан ўтказаяпман. Ҳар қадамда эъзоз ва ғамхўрлик, очиғи, бундан одам яшариб кетгандек бўлаверади.

Салима Ғаниева — пиру бадавлат инсон. Саккиз нафар фарзанди ҳамда қатор невараю чевараларининг ардоғида ҳаёт кечираяпти. Маҳалла-кўй, узоқ-яқиндаги таниш-билишлар тез-тез бувини зиёрат қилиб туришади. У ёшлар билан мулоқот қилганда, уларга тинчлик, шукроналик, меҳнатсеварлик, она-Ватанни чин дилдан севишни, энг муҳими, ҳеч кимдан кам бўлмай билим олишлари учун яратиб берилаётган кенг имкониятларнинг қадрига етишни таъкидлашдан чарчамайди...

Маълумки, бугунги кунда ёши улуғ кишилар, уруш ва меҳнат фахрийлари, табаррук отахону онахонларни юртимизнинг қадимий шаҳарлари, маданият ҳамда санъат масканлари, зиёратгоҳлар, меъморий обидаларга саёҳатлари ҳам ташкил этилмоқда.

Яқинда пойтахтимизнинг бир гуруҳ нуронийлари қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида бўлиб, етти иқлимга машҳур тарихий қадамжолар, обидаларни зиёрат қилиб қайтишди.

— Саёҳатимиз таассуротларга бой бўлди, — дейди Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчи тўқсон уч ёшли Мухтор ота Расулов. — Замонавий “Афросиёб” поездида бирпасда етиб олганимиз-у, Самарқанднинг тенгсиз жамоли, сўнгги йиллардаги ижобий ўзгаришлардан ҳайратга тушдик. Ҳурмат-эҳтиромдан дилларимиз чароғон бўлди. Шу боис ҳам доимо дуога қўл очганда, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлишини, эзгу ишларга бош-қош бўлаётганлар омон бўлишини сўраб ният қиламиз.

Айтиш жоизки, Давлат дастурида, ўз навбатида, фахрийлар ва ёши улуғ кишиларга тиббий ҳамда ижтимоий хизмат кўрсатиш, уларни тизимли асосда соғломлаштиришни ташкил этиш, профилактика тадбирлари изчиллигини таъминлаш белгилаб қўйилган. Бугунги кунда оилавий поликлиникаларда ҳам бу борада ибратли ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, Чилонзор туманидаги 36-оилавий поликлиникада кексаларимизнинг кўриш ва эшитиш органлари, таянч-ҳаракат тизими ҳамда юрак-қон томир касалликларини даволаш ҳамда олдини олиш учун мунтазам равишда чуқурлаштирилган тиббий кўриклар олиб борилаяпти. Поликлиника бош шифокори Малика Файзуллаеванинг таъкидлашича, муассасада “Кундузги шифокор” бурчаги фаолият кўрсатмоқда. Отахону онахонлар бу ерда физиотерапия, ЭКГ ва бошқа йўналишларда даво олишади. Бундан ташқари, маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида Саломатлик секторлари ташкил этилган. Маҳалла фаоллари ҳамда умумий амалиёт шифокорлари мунтазам равишда нуронийлар ҳолидан хабар олиб туришади.

Яккасарой туманида истиқомат қилувчи Собир ота Султонов эса умрининг тўқсон еттинчи довонини босиб ўтаяпти. Тетик, хушфеъл. Суҳбатлашиб зерикмайсиз, пурмаъно ўгитларини эшитиб, ҳаётга янада теран қарай бошлайсиз.

— Умр мазмуни — одамларга яхшилик улашиб яшашда, — дейди отахон. — Мен ана шу ҳикматни ўз ҳаётим мисолида англаб етдим. Беадад шукрлар бўлсинки, юртимиз тинч, ҳеч кимдан кам жойимиз йўқ. Истиқлол шарофати билан ота-боболаримиз орзу қилган кунларга етдик. Мустақил диёримиз кундан-кун чирой очиб, юртдошларимизнинг турмуши фаровонлашиб бораяпти. Одамларнинг дунёқараши, фикрлаши ўзгарди. Ёшларни айтмайсизми, билимли, одобли, очиғи, кишининг ҳаваси келади. Уларнинг ёши улуғларга бўлган ҳурмати, эъзозидан эса диллар яйрайди. Шундай кезларда бошимиздан ўтказган минг бир машаққатли кунларни унутиб, ҳаётимиздан мамнун бўламиз.

Отахон ҳақ гап айтди. Мамлакатимизда кексаларимизга ҳурмат кўрсатиш шарафли вазифага айланган. Бундай эҳтиромдан руҳланган нуронийларимиз маҳаллалар, таълим муассасалари ҳамда бошқа жамоат ташкилотларида уюштириладиган тадбирлар, учрашувларда фаол қатнашишаяпти. Улар ҳаётий тажрибалари ва ўгитлари билан ёшларимизни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга ўз ҳиссаларини қўшиб, ҳар ишда таянч ва суянч бўлишмоқда.

— Меҳр-эътибор одамга ўзгача куч-қувват бағишлайди, — дейди Собир ота. — Болалар, набиралар ҳамда маҳалладошлар доимо ёнимизда. Хабар олишни канда қилишмайди. Тўю тадбирларда алоҳида иззат-икром кўрсатишади. Давлатимизнинг эътибори эса беқиёс. Рости, энг саодатли кунларни бошдан кечираяпмиз. Бундай роҳат-фароғат, эъзоз учун Президентимизга раҳмат!

Иккинчи жаҳон урушига гувоҳ бўлган отахон турмуш ўртоғи Марзия Аблаева билан олти нафар ўғил-қизни тарбиялади. Айни пайтда 18 невара, 19 чеваранинг севимли бобожониси бўлган Собир Султоновнинг асли касби — тарих фани ўқитувчиси. Шу боис доимо ёшлар билан ҳамнафас, уларнинг қизиқиш ва интилишлари билан бирга яшайди, эзгу ишлар қилишга, юрт корига ярайдиган фарзанд бўлишга ундайди.

— Бугунги ўғил-қизларимизнинг иқболини кўриб қувонаман, — дея суҳбатимизга қўшилади 89 ёшли Марзия ая. — Ҳозирги авлод бутунлай бошқача, замонавий фикрлайди. Узоққа бормайлик, боғчага қатнаётган чеварамнинг инглиз тилида шеърлар айтишидан лол қоламан. Буларнинг барчаси фарзандларимизнинг эртаси янада порлоқ бўлишидан дарак беради. Мен уларга тинч, осойишта кунларнинг қадрига етинглар, янада кўпроқ ўқинглар, ўрганинглар, деб уқтираман.

Шундай фаровон ва осойишта мамлакатда яшаш — чинакам бахт. Ҳаммамизнинг ниятимиз битта: Ўзбекистонимиз дунё тургунча турсин!

Чиндан ҳам, тинч ва обод юртдагина инсон, хусусан, кексаларга юксак эҳтиром, ғамхўрлик кўрсатилади. Одамлар хотиржам яшайди, эзгу орзу-умидларининг ижобатини кўради. Зеро, мамлакатимизда Президентимиз томонидан узоқни кўзлаб олиб борилаётган сиёсат ўзида ана шундай эзгу мақсадларни мужассам этган.

**Дилмурод СОДИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Диққат, танлов!

# ЭКОЛОГИК ЖУРНАЛИСТИКА ТАНЛОВИ

*Атроф-муҳит ҳолати ва экологик муаммолар ечимини топиш бўйича тажрибалар ҳақидаги ахборотни кенг тарқатишда экожурналистиканинг ролини кучайтириш, эколог-журналистлар касб малакасини ошириш мақсадида анъанавий экожурналистика танлови эълон қилинади.*

2015 йилда мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати, қуйи палатанинг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон экологик ҳаракати, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Экофоруми томонидан ўтказилмоқда.

Танловга 2014 йилнинг 1 декабридан 2015 йилнинг 30 ноябригача мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида чоп этилган ва эфирга узатилган ижодий ишлар тақдим қилинади.

Танлов “Телевидение”, “Радио”, “Босма ОАВ”, “Интернет” номинациялари ҳамда “Сув — бу ҳаёт” ва “Тоғ аёллари” махсус номинациялари бўйича ўтказилади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Халқ сўзи”, “Народное слово”, “Жамият”, “Ekohayot” газеталари, www.parliament.gov.uz, www.fundngo.uz, www.eco.uz, www.uznature.uz, www.ngo.uz, www.ecoforum.uz веб-сайтлари экожурналистика танловининг ахборот кўмакчилари ҳисобланади.

Танловга ижодий ишлар 2015 йил 30 декабргача Тошкент шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 59-уйда ва info@eco.uz электрон почтаси орқали қабул қилинади.

**Ташкилий қўмита билан боғланиш учун телефон:** (0-371) 230-41-53, e-mail: info@eco.uz

КЎРГАЗМА

*Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида Виктор Чубнинг Кексаларни эъзозлаш йилига бағишланган ижодий ишлари кўргазмаси очилди.*

# Ватан мадҳи

Унда муаллифнинг турли даврларда яратилган 200 дан зиёд асарлари намойиш қилинмоқда. Она табиат, обод шаҳар ва қишлоқларимиз жамоли, муқаддас қадамжолар тасвири рассом ижодининг мазмун-моҳиятини ифодалайди. Шунинг учун бўлса керак, В. Чубнинг “Сижжакда ойдин тун”, “Тонготар”, “Обида”, “Ой нурида сайр”, “Оқшом” сингари асарлари тасвирий санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

**Моҳира АДИЗОВА.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА







Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1267. 72 731 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.40 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5